

**«Чинобод пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 1 январдан 2020 йил 31 декабргача БХМС асосида тайёрланган молиявий хисоботларини аудитнинг миллий аудит стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказиш натижаларига кўра ижобий фикр билдирилган**

## **Аудитор хулосаси**

26.04.2021 йил.

Тошкент шаҳри

### **Аудиторлик ташкилоти номи:**

Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR AUDIT INFORM» аудиторлик ташкилоти. Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2013 йилнинг 15 июлда "371"- тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Лицензия: №00814, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2019 йил 12 апрелда берилган.

Жамият хисоб рақами - 20 208 000 204 708 021 001 "DAVR-BANK" ХАТБ Чилонзор бўлими МФО- 01046 да фаолият кўрсатади.


Манзили: Тошкент шаҳар Кушбеги кўчаси 18-уй.

Бизлар Маъсулияти чекланган жамият шаклидаги «IQTIDOR AUDIT INFORM» аудиторлик ташкилоти директори, аудитор Ф.К.Назиркулов аудиторлик малака сертификати № 05553 Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 2018 йил 12 июлда берилган.

«Чинобод пахта тозалаш заводи» акциядорлик жамиятининг Бухгалтерия баланси ва Молиявий натижалари тўғрисидаги ва пул оқимлари тўғрисидаги хисоботлардан иборат 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий хисоботларининг ишончлилигини аниқлаш мақсадида аудиторлик стандартларининг ҳаракатдаги стандартлари асосида аудиторлик текширувидан ўтказдим.

### **Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги**

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ҳужжатларига мувофиқ тақдим қилинган молиявий хисоботларни тайёрлаш, дастлабки ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Директор, Аудитор  Ф.К. Назиркулов

## Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Аудиторлик ташкилоти «**Чинобод пахта тозалаш заводи**» акциядорлик жамиятининг илова қилинган молиявий ҳисоботларини аудиторлик текширувидан ўтказди. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотларни барча муҳимлилик жihatлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг ҳаракатдаги стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар бизга мижоз қорхона молиявий ҳисоботини жиддий бўзиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақазо этади.

## Фикр билдириш учун асос

Аудиторлик текшируви аудиторлик далиллари олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

## Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча, «**Чинобод пахта тозалаш заводи**» акциядорлик жамиятининг 2020 йил 31 декабр ҳолатидаги молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жihatлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний ақс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

«**IQTIDOR AUDIT INFORM**» МЧЖ шаклидаги

Аудиторлик ташкилоти директори, аудитор:



*Ф.К. Назиркулов*

Ф.К.Назиркулов

Директор, Аудитор *Ф.К. Назиркулов* Ф.К. Назиркулов